

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI



Шу куннинг гаплари

Ислом тараққиёти банки иштирокида Сурхондарёдаги Ҳазарбоғ – Оққапчиғай каналлари тизими қайта тикланыпти. Лойиҳа учун **122,72 млн доллар ажратилган.**

Сўх туманининг Қалъа маҳалласида тадбиркор ташаббуси билан **2 километрдан ортиқ масофага қувур тортилиб, ичимлик суви чиқарилди.**

Анджоннинг Қўргонтепа туманидаги "Аёллар дафтари"га киририлган ишсиз хотин-қизларга бепул шаклда енгил конструкцияли **гўзаллик салони куриб берилди.**

Қурилиш вазириликнинг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими **"Архитектура, қурилиш ва кадастр соҳасида энг яхши IT лойиҳа"** номинацияси бўйича тақдирланди.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги "Миришкор" МФЙда кўп қаватли уйлар атрофидаги **йўллар қайта таъмирланишти,** ички кўчаларда эса **асфальт ётқизилмоқда.**

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@uamail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МИС САНОАТИ КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 июнь куни мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноят кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилишни ўтказди.

Охириги 5 йилда мамлакатимизда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баравар ошиб, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Лекин ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ишлари етарли эмас. Хусусан, миснинг қарийб 60 фоизга ошади сифатида экспорт қилинмоқда.
Халқаро экспертларнинг фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошади кутимолда.
Мисдан келадиган даромад бугунги кунда 2,5 миллиард долларни ташкил этаётди. Келгуси 5 йилда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 400 минг тоннага етказиш орқали, бу кўрсаткични турдош тармоқлар билан бирга 7-8 миллиард долларга етказиш мумкин.
Шу мақсадда, 24 июнь куни кон-металлургия санояти ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Мис са-

ноати кластери ташкил этилиши белгиланди ва Бош вазир раҳбарлигида Махсус комиссия тузилди.
Йиғилишда ушбу стратегик вазифани амалга ошириш чоралари кўрсатиб ўтилди.
Авалло, рангли ва ноёб металл учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.
Соҳада лойиҳа ва муҳандислик хизматларини ривожлантириш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этган ҳолда, замонавий лойиҳа институтини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.
Юртимизда тоғ-кон ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни ҳамда уларга сервисни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.
Комбинатларда автотранспорт, рақамлаштириш каби алоҳида фаолият турлари хусусий секторга кооперация ва аутсорсинг асосида берилди.
Ноёб металллар ва қотишмалар бирлашмасида металл қотишмалар тайёрлаш, "Узелтехносафт" корхона-

ларида маиший техника, компьютер, аккумулятор батареялар, электромобилларнинг бутловчи қисмлари каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.
Инновацион ривожланиш вазириликка соҳа корхоналарининг фаолиятини илмий-тадқиқот ва амалий инновация ишлари билан ўзвий боғлиқликда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилди.
Кластернинг ҳар бир бўғини учун олий маълумотли муҳандис-технолог ҳамда ишчи мутахассисларни тайёрлаш, шу мақсадда етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.
Малакали мутахассисларни жалб, мис санояти кластерини ташкил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди.

Икки мамлакат амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда етакчи корхона ва компанияларнинг янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.
Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Туркия дўстлиги, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларида олий даражадаги мунтазам ва сермаҳсул мулоқот туфайли эришилган бугунги даражани юксак баҳолади.
Ўз навбатида, вице-президент Фуат Октай илқ қабул учун Ўзбекистон етакчисига миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг самимий саломини ва энг эзгу тилаklarини етказди. Туркия компания ва инвесторларининг мамлакатимиздаги фаолиятига қўшимча қўйиш бўйича миннатдорчилик билдирди.
Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиш суръати ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида кўрилатган чоралар алоҳида таъкидланди.
Хусусан, йил бошидан турли даражалардаги алмашинув ва мулоқотлар фаол-

лашди, ўзаро савдо ҳамми ва қўшма инвестиция лойиҳалари сони муттасил ортиб бормоқда. Бугун бўлиб ўтган қўшма Хукуматлараро комиссиянинг тадбирлари ва бизнес вакиллари иштирокидаги ишбилармонлик дастури якуналари мамнуният билан қайд этилди.
Тошкент шаҳрида ўтадиган Стратегик ҳамкорлик кенгаши иккинчи йиғилишининг кун тартибини ҳар томонлама тайёрлаш муҳим экани таъкидланди. Булар, энг аввало, товар айирбошлаш ҳамми ва кооперация қўламини ошириш, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, қўшма саноят зонасини ташкил этиш, Туркиянинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини фаол жалб қилган ҳолда рақамлаштириш, таълим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги дастурларини илгари суриш масалаларидир.
Минтақавий шериклик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Орзулари ушалган она ва қизнинг қувончи чексиз

Муҳтарам КОМИЛОВА,
Ў.А. муҳбири.

Сергели туманидан "Ёшлар дафтари"га кирган Азиза Самигова ҳамда унинг онаси Адолат Раҳимовага Президентимиз ташаббуси билан Янгиҳаёт тумани "Янги Чоштөпа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган янги уйлардан 3 хонали хонадон топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов, Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маруфова, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саидов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этиди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Азиза Самиговага мактубини Президент-



нинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.
Президент маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов мамлакатимизда ёшларни, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саяёҳаракатлар ҳақида гапирди.

2-бет



ЭРТАКНАМО БОҒ барчани ўзига чорламоқда

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида ишга туширилган Magic City маданият ва истироҳат боғи мўъжизавий кўриниши билан ташриф буюрувчиларни ҳайратга солмоқда.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаси билан хорижий инвестиция иштирокида янгиланган боғ қарийб 21 гектар ҳудудда қад ростлади. Боғ йил давомида фаолият юритиши ва катталиги жиҳатидан Осиеда ягона.
Лойиҳа икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда 9 гектар майдонда океанариум, бир вақтининг ўзида 450 томошабинга хизмат кўрсатадиган Рим Колizeiи кўринишидаги амфитеатр, 6 та залдан иборат кинотеатр, аттракционлар жой олган ўйингоҳ, эртақнамо қар, майдони 8 500 квадрат метр бўлган мусиқали фаввора, автомобиллар тураргоҳи қурилди.
Иккинчи босқичда 12 гектар ҳудудда тематик парк, болалар учун автотродром ва аттракционлар, аквапарк бунёд этилади. Шунингдек, кафе ва ресторандар, савдо дўконлари ташкил қилинади. Ҳаво мусаффолигини таъминлаш мақсадидан каштан, қарағай, япон софораси, магнолия, эман, қайин каби дараклар экилади.



Суратларда: Magic City маданият ва истироҳат боғида. Оқил ҒУЛОМОВ (Ў.А.) олган суратлар.

Қонунчиликни билинг

Шаҳарсозлик кодексининг 31-моддаси нима ҳақида?

31-модда. Қурилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш
Қурилиш ишларини ташкил этиш пировард натижага эришиш учун зарур бўлган барча ташкилий-техник ва технологик ечимлар қўлланилган ҳолда шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан амалга оширилади.
Қурилиш ишлари:
➤ буюртмачи томонидан ҳудудий инспекция объектда қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида хабардор қилингандан кейин;



- пудратчилар томонидан малакали муҳандис-техник ходимларни, мутахассислар ва ишчиларни жалб этган ҳолда, бундан ушбу Кодекс 17-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- эксперт ташкилотларининг ижобий хулосаси асосида тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ;
- қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажаришнинг тасдиқланган лойиҳалари мажбурий равишда мавжуд бўлганда амалга оширилиши керак.

ИННАВИЦИОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ МАКОНИ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳар соҳанинг ривожини унинг келажакдаги фаолиятига бевосита боғлиқ. Агар унда доимий равишда янгилик, ўзгариш бўлмас экан, ривожланишдан тўхтайд...



Жорий йилнинг шу кунигача Кенгаш 41 та илмий лойиҳа келиб тушди, дейди "ЎзқурилишматериалЛИТИ" МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази директори, кенгаш илмий котиби Саидаҳмад Раззоқов...

(ФМК) фойдаланиш ва цемент сарфини тежаш, мустаҳкамликни, кимёвий, муз агрессиясига чидамликни ошириш, суперпластификаторлар орқали бетон қорилишига ҳаракатчанлигини сақла...

атроф-муҳитга таъсири қанчалик камайтириш, арзон зобетон блоклари ишлаб чиқариш ҳисобига табиий газ сарфини камай...

технологияси яратилади. Шунингдек, цементли бетонда сиқилиш бўйича мустаҳкамлик 20-40 МПа (Мега паскаль), серобетонда 85-102 МПа (Мега паскаль), цементли бетон мустаҳкамлиги 2-4 МПа (Мега паскаль), серобетоннинг мустаҳкамлиги 13-22 МПа (Мега паскаль), цементли бетоннинг юқори мустаҳкамликка эришиши 28 кунда, серобетонда эса 1-1.2 соатни ташкил этади...

авлод олигомер антипиренларини қўллаб, ёғоч қурилиш материаллари ва буюмларнинг оловбардошлигини ошириш ресурстежамкор технологиясини яратилиб, амалиётга татбиқ этиш учун сотилди. Ўшбу технологияга "Ўзкимёсанот" АЖ ҳамда бир қатор хусусий тадбиркорлар томонидан қизиқиш билдирилган...

Муқаддас қадамжолар

Қадимий ва афсонавий Хива шаҳри осмонўпар миноралари, локувард гумбазлари, гўзал иморатлари, масжиду мадрасалари билан Шарқнинг бетакор мўъжизаси сифатида асрлар давомида кишиларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Унинг қадимий обидалари орасида маҳобатли, мовий гумбазли, улугвор иморат - Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қад ростлаган.

Абулғозихон, Анушахон ва Арангхонларнинг қабри борлиги улар ҳукмдорлик қилган даврларда ҳам шоир қабри овод бўлганлигидан далолатдир. Уша даврдан бизга фақатгина мақбарга кираверишдаги эшик ёдгорлик бўлиб қолган. Эшикдаги ёзувлардан шу нарса маълум бўладики, мақбара 1702 йилда қурилган ва ўша пайтда қудуқ ҳам қазилган. Шунингдек, эшикда Қуръон ояти, ҳадис ва шеърини тарихлар битилган бўлиб, у турунч, мадохил ва бошқа исмиий гуллар билан безатилган.

хонага айлантилган. Бино қурилишини ҳазораслиқ уста Одинамуҳаммад Мурод даврларда ҳам шоир қабри овод бўлганлигидан далолатдир. Уша даврдан бизга фақатгина мақбарга кираверишдаги эшик ёдгорлик бўлиб қолган. Эшикдаги ёзувлардан шу нарса маълум бўладики, мақбара 1702 йилда қурилган ва ўша пайтда қудуқ ҳам қазилган. Шунингдек, эшикда Қуръон ояти, ҳадис ва шеърини тарихлар битилган бўлиб, у турунч, мадохил ва бошқа исмиий гуллар билан безатилган.

мажмуаси сифатида шаклланади. Ўшбу мажмуада халқимизнинг улғу мутафаккир, буюк шоирга эҳтиромидан ташқари яна бир тарихий ҳақиқат намойён бўлади. Мақбаранинг катта гумбазли хонақоси ва зиёратхонанинг деворларидаги қосишларга шoirнинг 20 дан ошiq рубойлари чиroyли қилиб настьольик ёзувида битилган. Шундан ўн иккитаси хонақоқ деворининг 8 метрлик нуқтасида ёзилган. Яна 8 таси хонақоқ гумбазининг 8 та қиррасидан жой олган. Рубойларидан баъзилари зиёратхона деворлари ва эшикларидан хонаёқ бўлади. Энг муҳими, бу рубойлар орасида шoirнинг қўлёзма асарларида мавжуд бўлмаганлар ҳам бор. Шу маънода бу мажмуани нафақат Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи, балки унинг асарларининг ҳазинаси ҳам дейиш мумкин.



Ҳозирги мақбара Муҳаммад Раҳимхон I томонидан 1810 йилда Қўнғирот шахрига қилинган муваффақиятли юришдан сўнг қурила бошлаган ва унинг ўғли Оллоқулихон даврида қуриб битказилган. Мақбара 3 қисмдан иборат. Қабрхона, хонақоқ ва йўлак. Мақбаранинг ғарбий қисмида жойлашган хонақоқ Паҳлавон Маҳмуд дафн қилинган. Хонақонинг шимолӣ девори ёнида Муҳаммад Раҳимхон қабри жойлашган, унинг яқини эса Хива хонлари Абулғозихон ва Анушахонларнинг қабр тошлари ўрнатилган. Йўлакда эса Оллоқулихон дафн этилган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси атрофи XIX аср охирига келиб Хива хонлари ва уларнинг яқинлари дафн қилинадиган хил-

лари ташқи томондан зангори-яшил сиркор гиштаклар билан қопланди. Мақбара пештоқининг баъзи кўчиб кетган қосишлари ўрнига ўзига ўхшатиб янги қосишлар ўрнатилди. Гумбазли далондаги бир хонанинг олд томони беш қиррали шаклга келтирилиб, Оллоқулихон сағанаси шу ерга қўйилган. Хона деворлари беақдор сирли қосишлар билан қопланди ва мис панжара ўрнатилган. Қурилиш ишларида хивалик усталардан Мулла Нурумуҳаммад уста Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Ниёз уста Абдужаббор ўғли ва уста Абдулла ўзининг нодир санъатларини кўрсатган. Сақкам 500 йил давомида тикланган бу иншоотлар Паҳлавон Маҳмуд мақбара

1910-1913 йилларда мақбаранинг ғарбий қисмида Хива хони Исфаңдӣёроҳ онаси, ўзи ва ўғли учун қабрхона ҳамда тўртта хурдан иборат икки ошёли қорихона бунёд қилдирган. Қурилиш ишларига уста Курбонниёз бошчилик қилиб, қорихона қаршисига ўймакори устуңли айвон қурилган. Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси 1960 йилда уста Рўзмат Машарипов "Рўзмат арбоб" иштирокида катта гумбазнинг усти, қорихона ва айвон таъмирланиб, мақбарага қайта жон бағишланган. Ҳозирги вақтда бинода Ўзбекистон Муслмонлар диний идораси, "Паҳлавон Маҳмуд жамғармаси" фаолият кўрсатмоқда. Иншоотнинг айрим жойлари таъмирталаб бўлганлиги учун 2007 йилда айвон устуңлари, йўлаклар, қудуқ атрофи ва унинг тепасидаги чиroyли ошёли ёғоч гумбаз, пештоқнинг баъзи тушиб кетган сирли қосишлари қайта таъмирланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бу қадимий, қўна шаҳар обидалари қайта қурилиб, таъмирланиб овод қилингани каби ўшбу мажмуа ҳам асл тарихий ҳолида гўзал қиёфада юз очди. Унинг хоқи жойлашган бу максан халқимизнинг улғу аждоғини хотирасига, меросига эҳтиром сифатида эъзозланди. Эндликда бу ердан авлодларнинг қадами узилмайди. Ҳаёт давом этар экан, улғу мутафаккир, буюк шoirнинг мероси, Пирейвалининг мангулик сўз майдони келажак авлодларни ҳам ўзига мафтун этиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

Таваллуг айёмингиз муборак бўлсин!

Июнь ойининг охириги кунларига таваллуг айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хона хизматлари фарроши Феруза Зоирова, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш бўлим бошлиғи Ҳикматулла Маҳмудов,

Андижон вилояти Пахтаобод тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Жаҳонгир Мамажонов, Улугвор тумани қурилиш бўлими бошлиғи - бош архитектор Улғбек Эргашев,

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори Акбар Абдуразақов,

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси Нуриддин Баҳромов, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Темиров,

Тошкент вилояти Бекобод шаҳар қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Ғофуржон Бегматов, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали қоровули Саъдулла Мухсимов,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектор Жамшид Илхамов, инспектор Илёс Абдурахимов,

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Хумоюн Мирзаев,

Хоразм вилояти Хива шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи - туман бош архитектори Фаррух Машариповларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сичат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фойз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Logo and contact information for O'zbekiston Bunyodkori (Строитель Узбекистана). Includes website and phone details.

Text block with contact information for the newspaper, including the name of the editor and address details.

Text block with contact information for 'O'zbekiston bunyodkori' newspaper, including phone numbers and email addresses.

Text block with contact information for various regional offices and departments, including phone numbers and addresses.

Text block with contact information for various regional offices and departments, including phone numbers and addresses.